

Халқ сўзи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

6 ноябрь, чоршанба, 1996 йил
Соғувда эриш нархда № 225 (1477)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

5 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов АҚШнинг «Кейс корпорейшн» компанияси президенти Жан-Пьер Росо бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Ислам Каримов Ўзбекистон ва «Кейс корпорейшн» ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорлик шерикларда ўзаро ишонч руҳини мустақамлаганини, бу алоқаларни янада кенгайтириш учун пухта замин яратганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги техникасини нафақат сотиб олиш, балки ўзимизда ишлаб чиқариш ниятида эканини, шу боис жаҳонда катта обрўга эга «Кейс корпорейшн» билан тракторлар, комбайнлар, пахта териш машиналари ишлаб чиқаришда ҳамкорлик қилиш



муҳимлигини қайд этди. Жан-Пьер Росо Ўзбекистондаги корхоналарга ташриф чоғида мамлакатимизда юқори малакали мутахассислар кўпчилигига яна бир қарра амин бўлганини, бу ўзаро ҳамкорликнинг муваффақиятини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини айтди.

Суҳбат чоғида ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, қишлоқ хўжалиги машиналарига техник хизмат кўрсатиш нуқталарини тузишни жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазир Уткир Султонов иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.
Р. ЖУМАНИЕЗОВ тасвирга олган.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 5 ноябрдан бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий валютала операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар иштирок этди.

Сотув ҳажми 16,25 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 48,00 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 6 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва боқхона туловлари учун ҳорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	37,75
1 Австрия шиллинги	4,52
1 Англия фунт стерлинги	79,08
10 Бельгия франки	15,44
1 Голландия гульдени	28,37
10 Греция драхамаси	2,02
1 Дания кронаси	8,28
1 БАА дирхами	13,08
1 АҚШ доллари	48,00
1 Миср фунти	14,14
1 Ирландия фунти	79,18
1 Исландия кронаси	0,73
10 Испания песети	3,77
100 Италия лираси	3,17
1 Канада доллари	35,94
1 Ҳитой юани	5,78
1 Кувайт динори	160,43
100 Ливан фунти	3,09
1 Малайзия рингити	19,02
1 Германия маркаси	31,81
1 Норвегия кронаси	7,57
1 Польша злотийси	17,09
10 Португалия эскудоси	3,14
1 Сингапур доллари	34,11
1000 Туркия лираси	0,49
1 Финляндия маркаси	10,60
1 Франция франки	9,41
1 Швейцария кронаси	7,29
1 Швейцария франки	38,00
1 ЭКЮ	60,99
10 Жанубий Корея вони	0,58
10 Япония иенаси	4,23
1000 Россия рубли	8,79
1 Украина гривнаси	26,32
1000 Беларусь рубли	3,20
1 Эстония кронаси	3,97
1 Латвия лати	86,64
1 Литва лити	12,00
1 Қозғонистон тенгеси	0,69
1 Қирғизистон соми	3,11

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«ЧОДИР ЖАМОЛ» — ПОКИСТОНДА

Республика қўғирчоқ театрининг бир гуруҳ санъаткорлари Покистонда ўтказилган учинчи халқаро театр фестивалида қатнашди.

Унда «Чодир Жамол» мойиш этилди. Айна пайтда спектакли инглиз тилида на артистларимиз миллий қў-

шиқ ва рақслардан иборат концерт ҳам кўрсатди. Санъаткорларимиз, шунингдек, қўғирчоқ театри масалаларига бағишланган семинарларда қатнашди, таниқли санъатшуносларнинг маърузаларини тинглади.

(ЎзА).

Фармон ва шарҳ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТДИР

Мустақиллик тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлидан дадил одимлаётган Ватанимиз учун катта иқтисодий ютуқлар олиб бериб, Хусусан, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги янада мустақамлашиб, янги демократик жараёнлар ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Айнақса, юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг устуворлигидан келиб чиқадиган, шунингдек, халқаро миқёсда қабул қилинган тамойилларга асосланган ҳуқуқий муассасалар ҳамда қонуний асослар яратилди. Утган йиллар давомида фуқароларнинг ҳуқуқларини ақс эттирувчи 300 дан ортиқ қонун ва парламентимизнинг қонунга тенглаштирилган қарорларини қабул қилинганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Шунингдек, Ўзбекистон 1993 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон конференциясида тасдиқланган тамойилларга солиқлигини намойиш этиб келмоқда. Айна дама республикамиз БМТ котибиятининг 21 та асосий пакет ва конвенцияларига қўшилган. Хабарингиз бор, мамлакатимиз шу йилнинг апрель ойида БМТ комиссиясига инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро пакт нормаларини бажариш борасида миллий маъруза матнини тақдим этди.

Мамлакатимиз Президентининг яқинда матбуотда эълон қилинган «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида»ги Фармонини ана шу йўлда қўйилган яна бир муҳим қадим сифатида баҳамон қарам жон. Зеро, ушбу Фармон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг тасъирли воситасини барпо этиш, барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш йўли-

да хизмат қилади. Ҳуқуқий маданиятни юқори даражада бўлиши эса ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг мақсад ва вазифалари билан танишиб чиқар экансиз, унинг муҳим аҳамиятга эга эканлигига тўлиқ амин бўласиз. Зотан, мазкур Фармонда миллий ҳаракат режасини, шунингдек, Конституция, Қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қондаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш каби бир қатор юмушларни амалга ошириш марказининг асосий вазифалари деб белгиланган. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳуқуқий шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Президенти Фармони билан

тайинланган директор бошчилик қилиши ҳам чуқур маънога эгадир.

Кези келганда шунингдек, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз инсон ҳуқуқларини муҳофаза этишга алоҳида эътибор берганлиги ҳам бежиз эмас. Негаки, ушбу тушунча ривожланган демократик давлатларда олий қадрият сифатида эътироф қилиб келинган. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган олтинчи сессиясида айнаш шу масалага алоҳида тўхтаган эди. Юртбошимизнинг ушбу Фармони эса мустақил юртимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қалр-қилмати ва бошқа лаҳзисиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланишининг яна бир бор ёрқин тасдиғи бўлади. Бу эса бизнинг овоз мамлакатда инсон шахси биринчи ўринда туришининг мустақам қарорланганлигидан далолатдир.

Фуркат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади

ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

Ангрен кўмири хавзасида тадбиркорлик билан иш юритиш ўз самарасини бера бошлади. Қончилар йил бошидан буён 2 миллион тоннадан кўпроқ кўмир қазиб чиқарди.

Аҳоли эҳтиёжи учун кўмир ажратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугина эмас. Илгари кўмир билан бирга чиқадиган каолин, оҳақтош, кварц кўми чиқит сифатида ташлаб юборилар эди. Эндиликда улар қайта ишланиб, қурилиш ашёси сифатида истеъмолчиларга жўнатишмоқда.

КЕЛАЖАГИМИЗ ВА ЭКОЛОГИЯ

Халқаро «Экосан» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими пойтахт халқ таълими бошқармаси билан биргаликда «Келажакимиз ва экология» кўрик-танлови ўтказди.

Еш авлодни табиатга, атроф муҳитга, қолаверса, одамларга бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш мақсадида ўтказилган бу тадбирда мактаб ва болалар боғчалари иштирок этди. Кўрик-танлов давомида бу борада амалга оширилаётган ишлар, жумладан, экологик таълим-тарбия бериш услуби, экология кабинетлари ва гуруҳларининг фаолияти ўрганилди. Бу борада, айнақса, Юнусовод, Собир Раҳимов, Сирғали туманларида олиб бориладиган ишлар диққатга сазовор эканлиги таъкидланди.

Кўрик-танловнинг якуловчи қисмида ижодкор болаларнинг мазкур мавзуга бағишланган кўргазмаси, экологик агитбригадаларнинг чиқишлари ташкил этилди. Голлиларга халқаро «Экосан», «Камолот», «Болалар» жамғармалари шаҳар бўлими ва халқ таълими бошқармасининг мукофотлари топширилди.



Шахрихон туманидаги академик Саримсоқов номи жамоа хўжалигида пахта, гилла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш бўйича катта тажриба тўплаган. Хўжалик пахтакорлари бу йил 759 гектар ерда деҳқончилик қилишиб, ҳар гектар майдондан режадаги 32 урғунга 36 центнердан юқори сифатли ҳосил йиғиштириб олдилар. Вилоятда биринчилар қатори йиллик режани ўздадиган хўжалик аъзолари айна кунларда ҳам йилги-терими суғуратини асао бунаштирмай олиб бормоқда. Улар ҳар гектар ер ҳосилдорлигини 42 центнерданга етказиш учун курашмоқдалар.

Сурагда: жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Урмоҳжон Бозорбоев ҳамда пешқадим 9-бригада бошлиғи Аҳмаджон Қодиров.

Тоҳиржон Ҳамроқул олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1996 ЙИЛ 5 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ (ФОНЗ ҲИСОБИДА)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
Андижон	0,23	101,04
Хоразм	0,46	93,87
Сурхондарё	0,58	91,20
Қашқадарё	0,36	87,92
Бухоро	0,33	87,61
Тошкент	0,75	86,65
Самарқанд	0,48	84,81
Навоий	0,27	83,01
Наманган	0,75	80,38
Фарғона	0,45	76,60
Қорақалпоғистон Республикаси	0,45	60,83
Сирдарё	0,27	56,22
Жиззах	0,25	53,40
Республика бўйича	0,44	80,74
1995 йилда	0,30	96,70

ЖУМЛАДАН, ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА (тонна ҳисобида)

Сурхондарё	395	42321
Қашқадарё	102	15940
Республика бўйича	497	58261
1995 йилда	383	64753

ГАЗ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудуди аҳолиси қиш арафасида ўзига хос совға олди. Газли — Нукус газ қувурининг иккинчи навбати: Газли — Мискин тармоғи фойдаланишга топширилди. Урганч жанубий газ қурилиш трести бунёдкорлари 45 километр-

ОЛТИНҚУЛЛИКЛАР ЗАФАРИ

Қабул пунктларига 19,5 миң тоннадан кўпроқ пахта топширган Олтинқул тумани деҳқонлари маррага етдилар. Гектар бошига ўртача 31 центнердан ҳосил кўтарилди. Пахта йилги-терими давом этмоқда.

ҲАМЮРТИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Япониядан қувончли хабар келди. Бу мамлакатда ўтказилган самбо бўйича жаҳон чемпионатида 96 кг вазнлилар тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Бухоролик полков Шухрат Хўжаев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони деган юксак номга сазовор бўлди.

Яқинда соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишлаб Шахрисабзда ўтказилган миллий кураш бўйича халқаро турнирнинг иккинчи мукофоти соҳиб Муҳаммадхет Ташев 100 килограмдан юқори вазнлилар тоифасида лунё биринчилигининг «кумуш», буюролик Ботир Хўжаев эса 100 кг вазнлилар баҳсида «бронза» медалини қўлга киритишди.

Умумжамоа ҳисобида эрақлар терма командамиз учинчи погонга кўтарилди. Аёллар терма жамоамиз эса кучли тўртликдан ўрин олди.

САЊАТГА БАХШИДА УМР

Муҳимий номидати ўзбек давлат музика театрида халқ артисти Лутфиқоним Саримсоқова таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

Унда мамлакатимизнинг етуқ санъаткорлари, олимлар, ашб-лар, жамоат ташкилотлари вакиллари, театр ихлосмандлари иштирок этди. Кечда сўзга чиққанлар бутун уларнинг санъат баҳшида этган Лутфиқоним Саримсоқованинг серқирра ижоди ҳақида тўхталиб, аянинг театр саҳнасида, кинода яратган ўнлаб образлари муҳлислар қалбидан чуқур жой олганини таъкидладилар.

МЎЛ ШОЛИ ХИРМОНИ УЧУН

Қорақалпоғистонда шоли тайёрлаш йиллик топширигини бажарган хўжалиқлар қаторига Нукус туманидаги Шўртанбой жамоа хўжалиги ҳам қўшилди. Қабул туманидаги 7,5 миң тонна шоли етказиб берилди. Айна пайтда Орлобўйи шоликорлари 35 миң тонналик юксак хирмон уйиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.



МУЗОКАРАЛАР БОШИ БЕРК КЎЧАГА КИРИБ ҚОЛДИ

Россия Бош вазир Виктор Черномырдин Рязанда журналистларга баёнот бериб, Қора денгиз флотини билан боғлиқ масалаларда икуний қарор қабул қилиш ва шу масалада Киев билан ўтказилаётган музокаралар ҳозирча бирор натижа бергани йўқ, деди.

24 октябрь куни флот ҳақида Ельцин ва Кучина икунлаган шартнома ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Аввалги шартномалар ҳам икки томонлама қарама-қаршиликлар туфайли муваффақиятсизликка учраган эди.

ВИЗИТ ЯКУЛАНДИ

ЕХХТ ҳаёмидаги ўтаишган Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги Тоғи Қорабоғ можаросини бартараф этиш бўйича музокарада ҳамраислик қилаётган Финляндиянинг икки йиллик мудири Тоғи муносабати билан ушбу мамлакат ташқи ишлар вазир Тарья Халоненнинг Арманистон ва Озарбайжонга визити якуланди.

Озарбайжон Президентини Хайдар Алиев Тоғи Қорабоғқа «ойил мухторият мақоми» берилиш ҳақида Халоненга ўз фикрини билдирган. Алиев Озарбайжоннинг ҳудудий яхшиликни сақлашни қилиши яна бир бор таъкидлаб, ЕХХТнинг Минск гуруҳи ишини танқид қилди. Қорабоғ музокараларининг кейинги босқичи 18 ноябрь куни Халоненга шаҳрида бошланади.

АРМАНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ ҲАҚИДА

Арманистон Президентининг собиқ маслаҳатчиси, ҳозирда муҳолифатчилардан бири Ашот Манучарян Арманистон ва Озарбайжон чегарасининг Пахачеван секторидан «ҳарбий аересия» бўлиши мумкинлигини огоҳлантирди.

Бу ҳақда Нотт топан агентлиги хабар тарқатди. Манучарян, шунингдек, янги сайловлар ўтказиш бўйича консалтатив кенаш тузиш лозимлигини билдирди. У ана АҚШ Арманистон ҳукуматига ўзининг жуда катта таъсирдан фойдаланиб ҳукумати инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва демократик принципларга амал қилишга мажбур қилиш керак, деб айтди.

ТОЖИК МУҲОЛИФАТЧИЛАРИ ҲАҚИДА

27 октябрь куни Комсомолюбод яқинида тожик муҳолифатчилари томонидан 35 нафар милиционерлар гарогога олиниган эди. Улардан ўлтаси ҳеч қандай шартсиз озод қилинди. Муҳолифатчилар раҳбари Саид Абдулло Нурӣ Тожикистон марказидаги назорат постлари олиб ташланганидан сўнра қолган одамлар ҳам озод қилинади, деб айтди. Яна у бу учун ҳукумат томонидан қамолқа олиниган муҳолифатчиларнинг тўрт нафар аъзоси ҳам озод қилиниши лозим деди.

Долзарб мавзуда давра сўхбати

«Дехқончиликда энг муҳим, энг долзарб муаммоларни бипмасдан туриб, уларни ҳал қилиш учун, яъни энг устивор масалаларни ечиш учун маблаг топиб, бутун имкониятларни жалб этмасдан туриб, шу муаммоларни доим эътибор марказида сақламасдан туриб, олға силжиш мумкин эмас».

П. КАРИМОВ.

Абдусалом ТУРСУНОВ:

АЙБ ЯНГИЧА ТАЖРИБАДА ЭМАС, РАХБАРНИНГ НҲНОҚЛИГИДА

Кейинги йилларда айрим вилоят ва туманларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг айрим соҳаларида депсиниш ҳолатлари кўза ташланмоқда. Президентимиз Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сафарий чоғида сўзлаган нутқларида бунинг сабабларини лўнда ва тушунарли қилиб изоҳлаб бердилар. Жумладан, қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг муваффақияти мулкка эгаллик ҳиссини кучайтириш билан боғлиқ, леда юрбоши. Шу мақсадда давлат хўжаликлари жамоа, ширкат, деҳқон (фермер) хўжалиқлари уюшмаларига айлантирилган эди. Афсуски, бу янгилашлар ҳам қўйилган натижаларни бермапти. Негаки, раҳбарларнинг узлари ислохотларнинг моҳиятини шу пайтгача тўла тушуниб етмагандилар. Уларнинг ақсарияти манфаатпарастлик гирдобига тушиб қолганлар.

Президентимизнинг ана шу фикрларидан келиб чиқиб, амалий мисол келтирмоқчиман, у ютуқларнинг омил ва нуқсонларнинг келиб чиқиш сабабларини ойдинлаштириб беради. Юртбошимизнинг бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигининг энг қўли, бисинг турмуш тарзини мисол тузилмаларини излаб топши борасидаги кўрсатмаларга амал қилиб, пахтачилик мажмуида хомаёб етиштирувчи, уни қайта ишлаш ва хизмат кўрсатувчи уюшмаси таркибига агрофирмалар тузилган эди. Шулардан бири булган Сирдарё вилоятидаги «Оқ олтин» агрофирмаси Утган йили давлатга пахта сотиш режасини олти бажарди. Ҳосилдорлик вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан 4,6 центнер юқори бўлди. Шулар ҳисобига соф доромд салкам 38 миллион сўмга етди. Демак, бу агрофирма қишлоққа санаотни олиб кириш яъни кичик ва ўрта корхоналар барпо этиш орқали қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кўчаларини мўкин иш билан таъминлаш борасидаги Президент кўрсатмаларини бажариш имконини эгига.

Бироқ агрофирма таркибидagi тажриба хўжалиқларининг иқтисодий аҳволи ва пахта хомаёбидан тола чиқаришда сезиларли фарқ бор. Бу ҳам раҳбарларнинг лаёқати ва айниқса мақсадига боғлиқ. Маана бир мисол. Агрофирма таркибидagi «Фаргона» ва С. Сидиков номи хўжалиқларда 1995 йил якуни қуйдагича бўлди: «Фаргона»да тола чиқариш 27,1 ўрнига 29,1 фойз бўлган ҳолда С. Сидиков номи хўжалиқда 28,4 ўрнига 28,8 фойз бўлди. Бобур номи хўжалиқда эса тола чиқариш режадан кам бўлди. Қаранг, ёнма-ён жойлашган хўжалиқларда манзара ҳар хил. Нега шундай? Бу саволга ҳам юртбошимизнинг нутқидан аниқ ва лўнда жавоб топиш мумкин. Асосий сабаб — «Урта ва қўли раҳбар хомаёблар қўлигача шахсий таъинлаш ва шахсий манфаатларини ўйлашдан нарига ўтмаётганлар». Жўн қўли айтгандай бўлса, раҳбарлар ўз имомаларига юкланган вазифанинг маъсулиятини ҳис этиб, етишдирилган ишлаган хўжалиқларда аҳвол яхши. Аксинча, янги хўжалик тузумига ўтиб ҳам фақат ўз манфаатларини ўйлаб, бир-икки йил фойдаланиб қўлиб, сўнг ҳамма айбни янги тажрибага туғнашнинг мўлжалдан раҳбар бошлиқ хўжалиқда эса аҳвол ёмон.

Айтмоқчимизки, ҳар қанча илгўр тажриба бўлса Жиззахда ҳам, Сирдарёда ҳам топилади. Режани удралаб, яхшигина даромад олаётган, меҳнаткашларнинг иш ҳақларини мўнай қилиб бераётган хўжалиқлар эса эмас.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Тажриба иқтисодий-амалий илганиш бўлиб, унинг ишлаб чиқариш муносабатларига мос деб ҳисобланган бирор иқтисодий усулнинг маълум муддат ичда кичик доирада синовдан ўтказиб, шу жараёнда юзага келган қамчиликларини тузатиб, катта иқтисодий самара келтиришдан янги хўжалик тузумининг жамиятга тавсия этишидир. Демак, ҳар бир тажриба негизда ҳам назарий, ҳам амалий илганиш ётади. Молаким, биз янги хўжалиқнинг сибат яъни бозор муносабатлари шароитида яшаб, меҳнат қилишга бел болаган эканмиз, бинобарин, қишлоқ хўжалигидаги ҳамма илгўр тажрибаларни илмий-амалий таҳлил этиб, бутиги ва мукамаллигини таъминлайдиган, керак бўлса моддий ва маънавий ёрдам кўрсатадиган етук олим ва мутахассислардан иборат республика миқёсидagi илмий-амалий марказ тузиш мақсада мувофиқ бўлмайди. Негаки, ҳозир мажбур агрофирмаларнинг намунавий низомида ҳар доим ҳам тўла бажарилмапти. Бу эса агрофирма аъзоларида ишончсизлик туғдиради ва назарий жиҳатдан баркамол бўлган бу илгўр усулнинг барбод бўлишига

олиб келади. Илмий-амалий марказ бўлганда бу ишда ёрдами тегади.

Зеро, Президентимиз деҳқончиликда ерга, меҳнатга бўлган муносабатини кескин ўзгартирмай, ерга ҳам, етиштириладиган маҳсулотга ҳам эгаллик ҳиссини кучайтирмай туриб, қишлоқ хўжалигини ислох қилиб бўл-

пахта, дон ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини тўпроқнинг табиий унумдорлигига қараб режалаштириш зарур. Қишлоқ хўжалигини тўбдан ислох қилиш жараёнининг сўст кечаётганлиги сабабларидан бири ҳам экин майдонларининг потенциал имкониятларини оидлона аниқлаш ва шунга яраша

ларни кенгайтириб боришнинг ҳозирча янги ва энг тўғри йўли бўлиб, у мамлакатда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини ошириш ва экологик вазиятни соғломлаштириш имконини ҳам беради.

Ҳақимжон ЭШОНОВ:

ЕРНИ ШҲР БОССА, ЭЛНИНГ РИЗКИ ҚИЙИЛАДИ

Жиззах ва Сирдарё вилоятларида экинлар ҳосилдорлиги кескин пасайиб кетаётганлигининг сабабларидан бири раҳбар ва мутахассисларнинг эътиборсизлиги оқибатида сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолати ачинарли аҳволга тушиб қолганлигидир. Юртбошимиз Сирдарёда сўзлаган нут-

қибойи ҳал этиш учун сугориш тармоқларини тўла таъмирлаш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш қўламини кенгайтириш лозим.

Ҳукуматнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаши туфайли келгуси йилда 280 минг гектар ерга чигитни плёнка остига экин ш белгилаб қўйилди ва ҳозирдаёқ ташкилий ишлар бошлаб юборилди. Бу технологиянинг жорий этилиши шарофати билан ҳосилдорлик 30-35 фойз ошиши ва моддий ҳаражатлар камайишидан ташқари, сув сарфи ҳам 30 фойзгача озади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ташкил этилиши мавжуд муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиб, экин майдонларини унумдорлигини ошириш ҳамда пировард натижада ҳосилдорлигини кўтариш

лаш ашёларининг (ЕМА) сифатидир. Қизиги шундаки, республикада нефть маҳсулотларининг яримдан кўпи қишлоқ хўжалигида ишлатилмапти. Шунга қарамай, ЕМAnинг сифатини текширувчи бирорта хизмат (булинма) йўқ. Масаланинг чиғаллашувига яна бир сабаб — ЕМА тақчиллиги туфайли хўжалиқларда ишлатилган мойлар тозаланмасдан қайта ишлатилмоқда. Бунда тракторларнинг гидравлик тизими тез ишдан чиқмоқда.

Техника воситаларини таъмирлаш асосий омиллардан бири бўлгани учун бу тизим ҳам ҳозирги шароитта мослаштириш керак. Хўжалиқлар илгари «Ўзқишлоқхўжалиқ-ноттамир» тизимидagi иқтисослашган завод ва устаноналарга техника воситаларини капитал (тўла) таъмирлашга топширишар эди. Энди бундай қилинмапти. Сабаби — жуда қимматга тушади. Шунинг учун энди техниканинг ўзини эмас, унинг қисмларини таъмирлашга ўтиш ҳар томонлама фойдалан. Негаки, қисмларнинг хизмат муддати турлича, яъни ишдан чиққан қисмини алмаштириб, яна ишни давом эттириш мумкин. Нафақат айрим қисмлар, ҳатто асосий деталларни ҳам тайёрлаш мумкин.

Кейинги йилларда техникани сақлаш қондаларига ҳам риоя қилмай қўйилди. Натижада қимматли техника занглаб, муддатидан олдин ишдан чиқмоқда, айрим қисмлари ечиб олинди, бутлашга муҳтож бўлиб қолмоқда. Бир сўз билан айтганда, техника воситаларига муносабат орттиришга пасаймоқда. Техниканинг янгилаш даражаси ўртача 5 фойзга ҳам етмапти. Хўжалиқларнинг МТСдаги 80-85 фойз техника хизмат муддатини ўтиб бўлган. Бундай «қариган» техникани ишга яроқли ҳолда сақлаб туриш учун юқорида таъкидланган техник қаров, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, ЕМА сифатини яхшилаш, таъмирлаш тизимини шароитга мослаш ва техника воситаларини сақлаш қондаларига оғишмай амал қилиш лозим бўлади.

Энди техникадан фойдаланиш масаласига келсак, шу пайтгача қишлоқ хўжалигида техникадан фойдаланишнинг асосий усули уларни маълум бир ҳудудларга (булинмаларга) бириктириб қўйиш эди. Энди бу усулдан воз кечиш вақти келди. Бошқача айтганда техниканинг эгаси, механизаторнинг хўжалигини бригадир ҳам, ширкат раиси ҳам эмас, балки МТС негизда ташкил этилган корхона бўлиши керак. Шундай қилинганда техникани булган эҳтиёт камаюди ва кам агрегатлар билан кўп иш бажариш мумкин бўлади.

Техникадан унумли фойдаланишнинг асосий омилларидан бири икки сменалик ишга ўтишидир. Шундай қилинганда бажариладиган иш ҳажми деярли икки баравар ошади. «Ишни икки сменада ташкил этиш учун ташкилий, технологик ва ишлаб чиқариш шароитлари мавжудми?» деган савол турлилиги мумкин. Шундай шароит бор, бунинг учун кўп ўзгартиришлар қилиш шарт эмас.

Механизаторларга қилган меҳнатлари га яраша ҳақ тўлаш тежайдиган унумли фойдаланиш омилларидан биридир. Буни қўйидаги мисолда таҳлил қилиб қурайлик. Бу йили мавсумда икки қаторлик машина деган терилган бир тонна пахтага камида 50 сўм ҳақ тўлаш кўзда тутилган эди. Аксарият хўжалиқларда айнан шунча ҳақ тўланди. Машина терими мавсуми ўртача бир ой, машина бир кунда ўртача 3 тонна пахта териш қувватига эга десак, механизаторга 4500 сўм маош беради. Бу механизматорнинг бир ойлик маошқадлиги, тинимсиз меҳнати учун камлик қилмайми?

Ривожланган хоржий мамлакатларда тажрибасига эътибор берсак, уларда янги чиққан техника ўқиб-ўрганган, бошқарини қўлиятганини таъкидловчи ҳужжат бора механизматорларга берилади. Биз ҳали бундай тизимга ўтганимиз йўқ. Бунинг касри галда қомбайнларидан фойдаланишда яққол сезилмоқда. Қўпгина хўжалиқларда қанча қомбайн бўлса, шунча қомбайнчи бор. Бундай шароитда техникадан унумли фойдаланиш муаммога айланиши табиий. Бунда инженер-техник хомаёбларнинг савиясини ҳам эътиборан четда қолдирмаслик керак, чўнки бу борада деярли ҳеч қандай таъбир қўйилмапти.

Техникадан унумли фойдаланишнинг яна бир муҳим омилли механизаторларда эгаллик ҳиссини ривожлантиришидир. Буни учун механизаторнинг моддий аҳволи унга бириктирилган техника воситасига сарфланган ҳаражатларга ўзини боғлиқ бўлишини таъминлаш муҳим роль уйнайди. Бундай усул ҳаётда бир неча бор текшириб қўйилган ва ўзини оқлаган. Афсуски, кейинги йилларда бу соҳага ҳам эътибор сусайиб кетди.

Кейинги пайтларда фермер хўжалиқларининг ривожланиши туфайли битта пайтда бир неча хил экин экилмоқда. Бу эса ўз навбатида техникани фойдаланишнинг қийинлаштирмақда. Бундай сўлиб икки омил таъсирини камайтириш учун битта пайтда бир экин турини экинга ўтиш зарур.

Техникадан фойдаланишда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, АКШда дон қомбайнларидан йирик отрад шаклида фойдаланиб, ўрим май ойида жанубий штатлардан бошлангич, сентябрда шимолий зоналарга етиб келинади, яъни дон қомбайнлари тўрт ой давомида узлуksиз ишлатилади. Бундай отрадлар фермерларнинг ишларини шартнома асосида бажариб, аста-секин шимолга қараб силжиб бораверади. Қомбайнларини эҳтиёт қисм етказиб бериуви ва техник қаров ўтказуви махсус бригадалар кузатиб боради.

Бундай тажриба қўлданлса, техникадан фойдаланиш анча яхшиланади.

Давра сўхбатини «Халқ сўзи» муҳбири Абдусамид Йўлдошев ёзиб олди.

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ДАРОМАДНИ КЎЗЛАБ ИШЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Республика Президенти халқ депутатлари Жиззах ва Сирдарё вилоятлари кенгашлири сессияларида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга раҳбарлик бўшаштириб юборилган. Вилоят, туман ва хўжалик раҳбарларининг бошқарув тизими ва иш тутумини тўбдан ўзгартириш, меҳнаткашларнинг куч-ғайратларини энг долзарб муаммолар ечимига йўналтириш борасида тadbirkorлиги ва ташкилотчилиги сезилмапти, улар ҳамон боқимандалик кайфиятида юрибдилар. Пахта, дон ва бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, пировард натижалардан меҳнаткашларнинг манфаатдорлигини оширишни эплай олмаётдилар. Оқибатда, ҳосил чўги пасайиб, режалар ўлда-жўлда қолиб, даромаднинг ҳам тайини бўлмай, дала меҳнаткашлари рўзғори яхшиланмапти.

Бу камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, тўпланиб қолган жиддий муаммоларни тезроқ ечиш орқали меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун биринчи навбатда нималарга эътибор бермоқ лозим?

Шу хусусда «Халқ сўзи» тахририяти соҳанинг малакали олимлари ва тажрибали мутахассислари иштирокида давра сўхбати ўтказди. Унда, жумладан, ЎзҚХФА академиги Абдумутал Ҳожиев, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Фанижон Толипов, иқтисод фанлари номзоди Абдусалом Турсунов, техника фанлари номзоди Ҳақимжон Эшонов қатнашдилар. Қуйида уларнинг фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсиялари билан танишасиз.

майти, детанда ҳозир агрофирмалар, тажриба хўжалиқлари ва деҳқон-фермерлар етиштирилган маҳсулотларининг ўзларида қолаётган қисмига эгаллик қилолмаётганларини ҳам назарда тутганлар, албатта. Ҳақиқатан ҳам республикадаги айрим тажриба хўжалиқлари ва деҳқон-фермерлар, ҳатто 1992-1993 йилда пахта тодаларини ҳалигача сотолмай, сақлашга мажбур бўлаётганлар. Тола сифатининг бузилаётгани устига, олган қараларининг фойзалари тўхтовсиз ўсиб бораётти. Хўжалиқлар эса фойда олиш ўрнига зарар кўришяпти. Бунинг учун ким айбдор?

Зеро, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари сари кескин бурилиш ясаш учун юқорида таъкидланганимиздек, илгари сўриллаётган илгўр тажриба ва илганишлар натижаларини таҳлил этадиган, тегишли хулосалар берадиган республика миқёсидa илмий-амалий марказ тузиш, унга етарлича молиявий ва юридик ҳуқуқ бериш лозим кўринади.

Фанижон ТОЛИПОВ:

ЕР — БОЙЛИК, УНИНГ УВОЛИ ТУТМАСИН

Биз ер — бебаҳо бойлик, деймиз, — леда Президентимиз халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши сессиясига сўзлаган нутқиди. — Ҳамма гап маҳаллий раҳбарларнинг ишга қандай таъкид этишида қолган. Мамлакатимиз шароитида сугориладиган ер, айниқса, қимматли бойликдир. У нафақат қишлоқ хўжалигининг равнақи, балки бутун республика иқтисодиди учун биринчи даражада аҳамиятга эга манбадир. Бинобарин, мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари мажмуида сугориладиган ер фондини асраш ва кенгайтириш, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш асосий йўналишлардан бири бўлмоғи лозим.

Пахта майдонларининг қисқариши (45-47 фойз) ва бошқоқ дон экин (40-42 фойз) кўпайиши муносабати билан вазият тўбдан ўзгариб, қишлоқ хўжалигида янги янги боғиқ мустақиллигига эришиш учун ҳаракат боғиқчи бошланди. Бу эса ўз навбатида алмаш-лаб экиннинг сифат жиҳатидан янги усулларнинг юзага келтирмоқда. Энди қишлоқ хўжалик экинларини тез-тез пахта билан алмаш-лаб ёки олдидигина усул — уларнинг ўзини ўзгартириб туриш муҳим йўналиш бўлиб қолаётти.

Бироқ афсуски, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сугориладиган ерлардан самарали фойдаланишнинг шу жўнгина усуллари ҳам эътибор берилмаётти. Бунинг устига юртбоши таъкидлаганидек, маҳаллий раҳбарларнинг эътиборсизлиги, жон қўйишмаслиги оқибатида минглаб гектар сугориладиган ерларнинг умри бекор ўтмоқда. Бу йил Жиззах вилоятида режага нисбатан 1000 гектар ерга пахта экилмай қолди. 1027 гектар майдондаги пахта нобуд бўлди. Сирдарё вилоятида эса аҳвол янада ачинарли. Пахта режадан 8000 гектар кам экилгани устига 6400 гектар ердаги пахта нобуд қилинди. Хулоса қилиб айтганда бу вилоятларда ердан фойдаланиш даражаси анча паст.

Бу камчиликларни бартараф этиш учун

баҳолаб, солиқ белгилашнинг йўқлигидир. Ер қадатри ҳужжатлари ана шу муаммоларнинг ечинини асоси ҳисобланади.

Республикада ер кадастрини юртинининг ҳозирги даражаси давр талабига жавоб бермайди. Бу иш вилоят ва туманларда ҳеч қандай автомат ускуналарсиз қўлда қилинмоқда. Бундан ташқари ижара, ширкат, деҳқон-фермер хўжалиқлари ва хусусий ер эгалари пайдо бўлгани сабабли ер тузиш ва ер ҳисоботи ишлари кескин кўпайди. Шу бонс ер кадастри ҳужжатлари киритилган бир қатор маълумот ва ҳисоботлар шаклини республикадаги табиий-иқтисодий шароитларнинг эътиборга олган ҳолда қайта ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш зарур.

Маълумки, ер унинг эгалари ва фойдаланувчилари турли мақсадларда берилади. Айтайлик, хўжалиқлар учун тўпроқнинг таркиби ва сифати яъни унумдорлиги асосий омил бўлса, санаот корхонаси учун унинг қарда жойлашганлиги, шу ҳудуддаги муҳандислик коммуналциялари билан қўли даражада таъминланганлиги, шаҳар қурилиши учун эса, булардан ташқари биноларнинг зинчилиги, кўпқаватлилиги ва бошқа жиҳатлари аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун ер кадастрида ҳар бир корхона, хўжалик ва фойдаланувчининг ери қанчаллиги, сифати ва унга солинмаган солиқ талаблари тўлиқ ҳисобга олинганлиги ҳақидаги маълумотлар мукамал бўлиши шарт. Негаки, ернинг меъёридаги баҳоси ундан янада самарали ва оқилона фойдаланиш, авайлаб асрашга ундовчи иқтисодий манфаатдорлик омилли бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Ер қадатри маълумотлари ерга солинмаган солиқнинг адолатли меърини белгилаш учун ҳам зарурдир.

Ер ресурсларининг миқдори, ҳолати, сифати, уларни таъминлаш ва фойдаланиш ҳамда улардаги ўзгаришларни тежорлик билан назорат қилиб бориш (мониторинг)га оид маълумотларни тўлиқ каби олдидида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун барча кадастр ишларини автоматлаштириш лозим бўлади. Кадастр ишларини юртинининг Фарбий Европа мамлакатлари (Германия, Австрия)даги тажрибалари шунинг кўрсаткичи, бу соҳада электр ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш нафақат ер ресурслари ҳисоботини олиб бориш ва иқтисодий ҳисоб-китоб қилиш, балки уларнинг таркибиди, тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнида қандай ўзгаришлар ўз берганлигини таҳлил этиш, ер солиғи солиш, ижара ҳақи, шўнунингдек, ер билан боғлиқ бошқа пулли муомалаларни амалга ошириш имконини беради.

Халқ хўжалигининг ривожланиши ер майдонларини кенгайтиришни талаб этаётган, аммо ўзлаштириш осон бўлган қўриқ ер манбаларининг тугатган ҳозирги шароитда мавжуд ерларда тўпроқни рекултивациялаш ўзбекистон учун катта амалий аҳамиятга эгадир. Бу муҳим ишни пайсалга солмай ҳал этиш зарур. Экин майдонларининг ишдан чиққан қисми асосан сугориладиган зоналарда жойлашганлиги сабабли мавжуд ер захираларидан юксак самара билан фойдаланишнинг асосий йўналиши тўпроқни рекултивациялаш бўлиб қолаверади.

Ички захира ерлар яъни сугориладиган ерлар таркибиди бўлганлиги бонс сўдан қандайдир даражада таъминланиб келган. Уларнинг ўзлаштиришга сарфланган ҳаражат янги ерларни ўзлаштиришга нисбатан 2-2,5 баравар арзон тушади. Қолаверса, бу юксак унум билан фойдаланиладиган сугорма ер-

қида бу аҳволга жуда ўринли баҳо бери: «Эътибор беринг: кейинги ўч йил ичда шўрланган ерлар майдони 55 минг гектар кўпайди. Ута кучли шўрланган майдон микдори икки марта ошди. Бу нима деган гап? Ўз илганига болта уриш, ўз илганин қийиш эмасми?!» Ҳақиқатан ҳам бебаҳо бойлигимиз бўлган сугориладиган ерларни хор қиллаётган раҳбарларнинг фаолиятига бундан ошариб баҳо бериш қийин.

Сирдарё вилоятида 296,5 минг гектар сугориладиган экин майдонининг 95,6 фойзи шўрланган бўлишига қарамай, утган мавсумда бор-йўғи 80 минг гектар ернинг шўри ювилди, холос. Бу муҳим агротехник тадбир мутлақо унутиб юборилганлиги бонс Меҳнатобод ва Мирзобод туманларида шўрланмаган ернинг ўзи қолмади. Бу шундан ҳам далолат берадики, кейинги йилларда вилоятда очиқ зовурлар ва ёпиқ дренаж тармоқлари деярли тозаланмай қўйилди. Акс ҳолда сугориш тармоқларининг қоникорсиз қисми 1993 йилдаги нисбатан 105,8 километр, очиқ зовурлар 297,2 километр, ёпиқ дренаж 686,7 километр кўпаймаган бўлади.

Республика ҳукумати бу икки вилоятда иқтисодий имкониятлар йилдан-йилга камайиб бораётганлигини эътиборга олиб, 1996 йил бошида ҳар бирига 60 миллион сўмдан маблаг ажратган эди. Афсуски, бу маблағларнинг Сирдарё вилоятида 75, Жиззах вилоятида эса 60 фойзи ўзлаштирилди, холос. Тўғри, бу масалада фақат вилоятларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини айблаш алолатдан бўлмайди. Чўнки ҳукумат ажратган маблағларни ўзлаштиришга мутасадди бўлган пудратчи ташкилотларда техника етишмапти, борларидан эса самарали фойдаланилмапти.

Илмий асосланган тавсияларга қўра шўр ювишини февралгача тутатиш лозим. Амалда эса раҳбар ва мутахассисларнинг бегамлиги, маъсулиятсизлиги туфайли бу муҳим тадбир апрелнинг ўрталаригача давом этмоқда. Оқибатда ерларни экинга тайёрлаш муддати чўзилиб кетиб, ҳосилнинг пишиб етилиши ҳам кечикмоқда. Меҳнатобод, Ш. Рағинов ва Ховос туманларида шўр ювиш агрегатикаси бузилмоқда. Ҳатто, энг кучли шўрланган майдонларда ҳам шўр под олиб ювилмай, баҳорда экиндан олдин нам сувни беришмоқда, холос. Арнасой, Зарбдор туманларида кейинги йилларда шўрланган ерларнинг бор-йўғи 16-20 фойзида шўр ювилмоқда, холос.

Бизнингча, иқтисодий заиф хўжалиқларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга мелiorатив ҳолати ёмонлашган ерларни қайта тиклаш ишлари учун давлат бюджетидан, қарзни қайтариш имконини бор хўжалиқларга эса мақсадли имтиёзли кредитлар ажратини мақсадга мувофиқдир. Бу маблағлар кўпроқ зовур-дренаж тармоқларини таъмирлашга сарфланса, айни муддао бўлур эди.

Республикада сув ресурслари чекланган. Кейинги икки йилдан бери табиий сув таниқлидир кузатишмоқда. Бунинг устига олинмаётган сувнинг 30-35 фойзи сугориш тармоқларида ва 25-30 фойзи экин майдонларида беҳуда йероф бўлмоқда. Бу муаммони

имконини беради деган умиддамиз.

Абдумутал ҲОЖИЕВ:

ШАРОИТГА ҚАРАБ БОРИДАН БАРАКАЛИ ФОЙДАЛОНАЙЛИК

Президентимиз халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгаши сессиясига ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига ва режаларнинг бажарилмай қоллишига асосий сабаб дала ишларининг ўз вақтида бажарилмагани эканлигини таъкидлади. Дала ишларининг ўз вақтида бажарилиши эса асосан икки омилга боғлиқ, яъни техника етарли бўлиши ва ундан тўла унум билан фойдаланиш. Техника билан таъминлаш, ёпиқли-мойлаш ашёларининг сифати, таъмирлаш ишларини тўғри ташкил этиш, техникани сақлаш.

Кузатишга шўни кўрсатмоқдаки, кейинги 3-4 йил ичда техник қаров ўтказишга эътибор жуда сусайиб кетди. Ҳатто, деярли ҳамма хўжалиқларда бу тадбир умуман ўтказилмапти, дейиш мумкин.

Техникани ишга шай ҳолатда сақлаб туришининг муҳим омилларидан бири эҳтиёт қисмларнинг етарли бўлишидир. Бундан икки йил аввал институтимизда машина-трактор саройи (МТС)дан фойдаланиш муддатининг эҳтиёт қисмлар захирасига боғлиқ эканлиги ҳисобга олинди, уларга бўлган талабни ҳондирини учун қанча микдорда тайёрлаш лозимлиги ҳисоблаб чиқилган эди. Афсуски, бу маълумотлар эътиборсиз қилиб кетди.

Ҳозирги пайда МТСларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш қоникорсиз аҳволда. Шу ўринда авваллари ҳам кўп айтилган бир фикрни қайта таъкидламоқчиман. Бу эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни режалаш

Депутат сўз сўрайди

ИСТИҚБОЛ ИЗЛАНГАННИКИ, ЯНГИЛИККА ИНТИЛГАННИКИ

Бозор — бозор-да. Олибсотар ҳам, тижоратчи ҳам кўлидаги молини бир илож қилиб харидорга мўмай пулга сотишни ўйлайди. Харидор ўша матоҳни узогин билан бир ҳафта кийса кияди, киймаса — йўқ. Бозор кўрган кийим-кечак чокидан сўкилади ёки титилиб, шалвираб қолади. Харидор қалампир чайнагандай пулга куйиб қолаверади.

ҳокимлигида сайловчиларим олдида ҳисоб бердим. Сайловчиларни кўпроқ республика Президентининг ижтимоий муҳофазага оид фармонлари қандай бажарилаётгани, ҳукуматнинг социал-иқтисодий масалаларга доир қарорлари ижроси қай тарзда ҳал этилаётганини қизиқтирди. Шундай бўлиши табиий, албатта.

Бирлашма ишчиларининг саломатлигини сақлаш доимий эътиборда турибди. Шаҳардаги барча шифохоналарда ишчи-хизматчиларимизнинг давола-нишлари, саломатликларини қайта тиклашлари учун маҳсу-ус ўринлар ажратилган.

Бирлашма қошида 320 ўғил-қизга мўлжалланган бо-лалар боғчаси ишлаб турибди. Боғчага кетаётган сарф-хара-жат тўла корхона зиммасида. Янги йилдан бошлаб бола тар-бияси учун ота-онадан олинаётган пулдан воз кечмоқчимиз. Корхонамизда узоқ йиллар меҳнат қилган ва эндиликда кексалик гаптини сураётганларга нафақа пуллари ўз вақтида бериб бори-лаётимиз. Бундан ташқари биз 72 оилга мўлжалланган 9 қаватли турар-жой биносини имтиёзли баҳолар билан че-варларга, тўқувчиларга бериб қўйганмиз.

Мен Олий Мажлиснинг бўлиб ўтган ҳамма сессияла-рида фаол иштирок этаётган-нимдан фахрланаман. Қабул қилинаётган қонунлар мухо-камасида ўз фикр-мулоҳаза-ларим билан қатнашаман. Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида сўзга ҳам чиқдим. Комил ишонч билан айтиш кераки, қонунларимиз халқи-миз келажаги, бахт-саодати, мустақил Ватанимиз равнақи учун хизмат қилади. Ушбу қонуний ҳужжатлар Президен-тимиз таъриф берганларидек демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф эт-ган тамойилларини бизнинг шароитимизда тўла турмушга талбиқ қилишнинг қонуний кафолати бўлиб хизмат қили-ши муқаррардир.


Шуҳратбек ЗАЙНОБИДИНОВ, очик турдаги «Семру» трикотаж ишлаб чиқариш ҳиссасдорлик жамияти директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты.

Ана шу нохуш манзара де-путат сифатида мени кўп таш-вишга солди. Хизмат вазифам бевосита ишлаб чиқариш бил-ан боғлиқ бўлгани учун ма-салани кўндаланг қўйдик: халққа аҳо сифати, бежирим, узоқ муддатга чидайдиغان маҳсулот етказиб бериш шарт. Шундангина харидор чет элдан келтирилган усти янгироқ, ичи қалтироқ матоҳларга ўзини ўр-майди, алданиб қолмайди. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Бирлашмамиз Наманган-даги «Аснамтекстиль» узбек-турк қўшма корхонаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Маълумки, мазкур корхона тармоқ фабрикаларига ҳақон стандартларига тўла жавоб бе-райдиган қалава тайёрлайди. Хомашё пишиқ, сифати. Эн-диликда биз эркаклар, аёллар ва болаларнинг ички кийим-ларини асосан кўншилари-миз етказиб бераётган қалавадан тўқиятимиз, тикиб савдо шохобчаларига чиқараямиз. Маҳсулотларимиз мамлакат ички бозорига харидорлар бериб қўлди.

Халқ юксак ишонч билди-риб сайлаган депутат ёки раҳбар изланмаса, янгиликка интильмаса, ҳаёт уни бир че-кага суриб қўяди. У зиммаси-да турган мураккаб ва масъ-улиятли вазифаларини биров дақиқа бўлсин унуттиша ҳаққи йўқ. Бундан ташқари у яқин ўтмиш кўндаланг қўйган ва у ҳозирга келиб ечимини кутаётган муаммоларни оқи-лона ҳал этмоғи ҳам керак.

Бирлашмани кенгайтириш мақсадида 1988 йили янги бино қурилиши бошланган эди. Бинонинг 80 фоизи бит-гач, маблаг йўқлиги туфайли қурилиш ишлари вақтинча тўхтаб қолди. Шунинг ҳам ай-тиш кераки, иш майдони 24 минг квадрат метрни ташкил этган мазкур бино собиқ Иг-тифоқ технологиясига асослан-ган эди. У ишга туширилгач, йилгига 3 минг тонна трикотаж



Косонсойда марҳум эшиқдўз уста Шарифхон ака номини юртодошлари катта меҳр-муҳаббат билан тилга оладилар. Бутун умрини эл-юрт хизматида бағишлаган уста касиб ўз касбига моҳирлиги боис ҳурмат қозонган кишилардан эди. Устанинг фарзандлари ҳам оталари изидан боришиб, эл хизматида камарбаста бўлишмоқда. Улар республикамиз Президентининг қишлоқда ма-иший хизмат кўрсатиш шохобчаларини кўнайтириш, фаолиятини янада жо-ланштиришга оид кўрсатмаларига амалий иш билан жавоб беришиб, «Уста Шарифхон» номли кўп тармоқли хусусий фирма ташкил этишган. Фирма

пойабзал тикиш цехида айни кунда 10 хил турдаги болалар ва катталар оёқ кийимлари тайёрланмоқда. Шунингдек, фирмага қарашли жемпер тўқуш, тикувчилик цехлари ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Фирма цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатлиги боис кўпчиликка манзур бўлаётмиш. Суратларда: Тўқувчи Воида Абдуллаева; «Уста Шарифхон» фирмасининг умумий кўриниши; пойабзал цехи устаси Баҳодир Исломидинов. Тўқиржон Ҳамроқул олган суратлар.

«Халқ сўзи» аралашган НОГИРОН ҚАЙТА КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидан Эшпўлат Эшнйёзов олаётган нафақаси камлиги, қаромоғида 4 нафар фарзанди ва кекса онаси борлиги хусусида муҳарририятимизга ижтимоий таъминот вазирлигига жўнатиб, яқинда масала ижобий ҳал бўлганлиги хусусида қуйидаги жавобни олдик.

Ижтимоий таъминот вазирлиги Сурхондарё вилоятида истиқомат қилувчи Э. Эшнйёзовнинг аризасини ўрганиб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади:

Табий меҳнат экспертиза комиссиялари ногиронлик гуруҳини аниқлашда Республика Вазирлар Маққамасининг 328-сонли Қарори билан тасдиқланган табиий кўрсатмага асосланган. Ушбу кўрсатмага асосан Э. Эшнйёзовга авари-дан кейин битта оёғидаги анатомик камчилик ҳисобида олинби 3-гуруҳ ногиронлиги умрбод муддатга берилган. Э. Эшнйёзов охириги йилларда соғлиги ёмонлашганлиги қарамасдан ТМЭК кўригига мурожаат этмаган.

Вазирлик тошириғига биноан Вилоят Марказий ТМЭК мутахассислари Э. Эшнйёзовни жорий йилнинг 10 октяб-рида конфликт комиссия кўригидан ўтказишди ва бугунги кунда протездан фойдаланиши қийинлиги, қайта протез-лаш учун операция йўли билан ёрдам кўрсатиш зарурлиги-ни ҳисобга олиб унга даволашни даврига, яъни бир йилга 2-гуруҳ ногиронлигини тайинлаш мумкинлиги тушунирилди. Унга даволаш муассасасидан 088/У йўлланмасини тўлдириб, сўнтра ТМЭКга мурожаат этиш тавсия этилди.

О. АБДУЛЛАЕВА, Республика Ижтимоий таъминот вазирлигининг биринчи ўринбосари.

РАҲБАРЛАР ДИҚҚАТИГА! Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш бўйича давлат кўмитаси "Ўзбектелеком" концернига алоқа обьектлари қурилиши лойиҳасининг технологик жиҳатларини экспертиза қилиш ҳуқуқи учун 1996 йил 16 сентябрь санаси билан 327-рақамли лицензия берди. "Ўзбектелеком" концернига қуйидаги манзилга мурожаат қиласиз: 700000, Амир Темур кўчаси, 24. Маълумот учун телефонлар: 33-20-06, 34-96-10.

Бир мактуб шарҳи

... Бир донишманд лутф қилган эканки, одамнинг ИНСОНлиги унинг ички оламидагина зо-хирдир. Яъни, кишиларни бир-биридан овқат ёйиши, ухлаши юриш-туришига қараб эмас, балки табиат яратган юксак маънавият қирра-ларини қай даражада ўзида мужассам этган-лиги билан фарқлаймиз.

ҲУРМАТСИЗЛИК ЭМАСМИ?

Маънавият «зарра» лари эса, таъбир жоиз бўл-са, ён-атрофи-мизга сочилган. Уни ўзимиз сез-маган ҳолда қа-бул қиламиз, та-биат ва одамлар-дан, ажлодлари-миз яратган ва ҳануз ижод этилаётган санъат, адабиёт намуналаридан, ҳаттоки бу-нёд этилган иморатлару, бо-боларимиз қолдирган обида-лардан беихтиёр руҳиятимиз-га сингдирамиз. Дарҳақиқат, биз истайми-зи, йўқми, атроф-муҳит таъсирида бўламиз. Бунинг учун эса... шубҳасиз, инсон, унинг камоли учун хизмат қилувчи барча нарсалар ки-шиларнинг руҳий бойлиги — гўзал маънавиятнинг бойити-шига қаратилган бўлмоғи лозим. Бироқ бунинг акси бўлса... «Яқинда иш юзасидан пойтахтга борган эдим, — деб ёздим Сурхондарё вилоят-ли Олтинсой туманидаги «Оқолтин» жамоа ҳўжалиги-

азалдан ифбатли, ориятли ва бағри кенг, келажаги порлоқ халқ анъаналарини оёқости қилиш билан баробар-ку!

Дарҳақиқат, راستадаги бе-ҳаё суратларим кўриб ҳайрат-дан ёқа ушладим. Боз устига уни راستага очик-ойдин те-риб қўйишган. Наҳотки ёш-лар тарбиясида таъсир қилаёт-ган бундай сур-атларни сотаёт-ганларни тийиб қўйишнинг ило-жи йўқ?...

Дарвоқе, бун-га ўхшаш пар-нографик сурат-

ларни шаҳарнинг Чорсу, От-чопар каби бозорлари раста-ларидан, баъзи хусусий дўкон-лар ва ҳатто киоскларда уч-ратиб қолинишга турган гап. Уларни сотаётган ёки шунчаки «безак» учун дўкон деворига илб қўйганлар бу ҳаёсиз суратлар кишилар маънавиятига, айниқса, ёш-ларга нечоғли салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳа-қида тузуқроқ бош қотирма-салар керак. Бу ажлодлари-мизнинг кейинги авлодлар-га ўрнак бўлсин учун қолди-риб кетган улкан маънавий мероси ва миллий қадрият-ларимизга ҳурматсизлик би-лан баробар — ку ахир.

О. ТўРАКУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Бизнес ва маданият КИТОБЛАР СОВФА ҚИЛИНДИ

Яқинда инглиз тилидаги 500 дан зиёд китоб Тошкентдаги Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетига топширилди.

Халқаро муносабатлар, дип-ломатия, иқтисодиёт, ҳуқуқ ма-салалари, бизнес ва банк иш-ларининг турли жиҳатларига оид фундаментал нашрлар, да-рсликлар, рисоалар, маълумот-номалар китоб жавонларига дид билан териб қўйилган. Улар орасида тўрт жилли иқтисодий лутга, билимларнинг ажой-иб жамламаси бўлган ўттиз жи-лди Британия қомуси ҳам бор. Кутубхонанинг тақдироти маросимида олий ўқув юр-тларининг ўқитувчилари ва тала-балари, шунингдек, ушбу ин-сонпарварлик юқини харид қи-лишни уюштирган ва уни Лон-дондан Ўзбекистон пойтахтига келтириш кирасини тўлаган «ЎЗБАТ А. Ж.» узбек-британ қўшма корхонасининг раҳбар-лари иштирок этдилар.

деди у. — Қаранг, бир йўла шунча янги, доно дўстлар ор-тирдик! Бунга эса британ дўст-ларимизнинг иззат-эътибори ва кўмағи туфайли эришдик. «ЎЗБАТ А. Ж.» қўшма кор-хонаси бир дунё китоблар ора-сидан энг фойдалан, энг зарур (дарслик, маълумотнома руҳи-даги) адабиётларни таниб ола-биди ҳамда уларни харид қи-лиш ва Тошкентга келтириш учун 2.000 фунт стерлинг аж-ратди.

Китобларни топширишга ба-ғишланган тантанали маросим-да «ЎЗБАТ А. Ж.» қўшма кор-хонасининг бош директори жа-ноб Питер Тейлор нутқ сўзла-ди. У яқинда Ўзбекистонга кел-ди ва ушбу лавозимни эгалла-ди.

— Бундай таъбир «ЎЗБАТ А. Ж.» компаниясининг ҳаёт фал-сафасига жуда мосдир, — деди жаноб П. Тейлор. — Зеро, бу компания жаҳондаги 80 та мам-лакатда фаолият кўрсатиб, ше-рик-мамлакатлар иқтисодийти-га, саноатига салмоқли сармо-лар солиб, жамоатчилик ҳаёти-да фаол қатнашишга, маданият-ташви, соғлиқни сақлаш соҳа-ларига оид лойиҳаларга ҳо-минглик қилиш сий-ҳаракати-да бўлмоқда. Бундай сарф-ха-ражатлар ўзини тўла қоплайди.

Шубҳа йўқки, кўп йиллик самарали хизматлари энвизига муносиб дам олишга чиққан сэр Петрик Шихи учун ўз си-лтисин номидан кутубхонани-нг муваффақиятли ишлаб тур-ганидан, Анна Шихининг архиви зўр қизиқиш ва син-ковлик билан ўрганилаётгани-дан, у илмий-тадқиқот ишла-рида ёрдам бераётганидан но-киф бўлиш ҳуш кайфият ба-тишлайди. Тортиқ этилган ки-тоблар эса талабаларнинг бир неча авлодига хизмат қилади, дунёқарашларини бекиёе ке-нгйтиришларига, яқин келажа-да ҳақиқий мутахассис бўлиб еттишиб чиқиб, кўпгина мамла-катларда, халқаро ташкилотлар-да қўшма корхоналарда муста-қил Ўзбекистон номидан қи-таншиб, унинг оёру-эътибори-ни янада оширишларига ёрдам берди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дип-ломатия университетини проре-ктори, профессор Баҳодир Ху-жаев кутубхонанинг тақдироти маросимида таъкидлаганидек, бу таъбир жамоа ҳаётида ҳа-қонли ва унутилмас кун бўлиб қолади. «Халқимизда «китоб-дўст» деб бежиз айтилмайди, —

У. муҳбиримиздан.

UZDUNROBITA cellular "Ўздунробита" ҚК Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг уяли алоқа хизматига нисбатан ўсиб бораётган талабини тўлароқ қондириш мақсадида ўз хизмати тарифини мунтазам пасайтирмоқда. Уяли алоқа телефон аппаратини сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғида амалдаги қонунга мувофиқ ҳақ тўлаганлик учун 10 ФОИЗЛИ сийлов жорий этилди. Маълумот учун телефон: 30-09-09. "Ўздунробита" ҚК.

